


Азиз меҳмонни кутиб олишга тайёرمىсиз?



14:19 / 10 февраль 399

Бу йилги Рамазон мутлақо бошқача бўлишига қарор қилинг. У ҳаётингиздаги ўзгариш, бурилиш ва инқилоб нуқтаси бўлади, инша Аллоҳ. Бугун ният қилингки, эртага, инша Аллоҳ, руҳиятингиз юксалишининг ҳамда истак ва ҳавои нафсларингиз пасайишининг бошланиши бўлсин. Кириб келаётган Рамазон жуда қарамлидир. Унинг нақадар қарамли эканини билиш учун унга имкон беринг, холос. Ушбу ойнинг турли даражаларда қандай қилиб «Раҳмат ойи» эканини кўришингиз учун унга йўл очинг. Сизни инсонийликнинг юксак даражасига олиб чиқадиган Рамазонга эшигингизни очига ва уни азиз меҳмон сифатида ичкарига киритишга қарор қилинг. Кейин қўрқманг, унинг ўзи Аллоҳнинг фазли билан сизни сийлайди, сизни юксалтиради ва сизга яхшиликларни ёғдиради. Эҳтимол, бу ойда сиз мағфират қилинарсиз, дўзахдан озод этиларсиз ва сиз учун энг гўзал тақдирлар ёзилар. Шундай экан, Рамазонга эшигингизни очинг...